

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

**1  
—  
2020**

**Тошкент**

---

# ИҚТІСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

1-сон  
2020

Мусахонзода И.С.	Иқтисодий қарашлар тараққиёти парадигмасида молиявий натижалар талқини.....	119
Аброров С.З., Қорабоев Н.П.	Қимматли қофозлар бозорида сукукнинг ролига оид илмий-назарий мулоҳазалар ва унинг ўзига хос жиҳатлари.....	126
Исаков Ж.Я., Исаков И.Ж.	Реал ва молия секторлари орасидаги муносабатларнинг назарий методологик асослари.....	130
<b>САНОАТ ИҚТІСОДИ ЭКОНОМИКА ПРОМЫШЛЕННОСТИ</b>		
Юсупов С.Ш.	SWOT-таҳлил асосида тўқимачилик корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	135
Зокиров Ш.Э.	Қайта тикланувчи энергетика ривожланишининг иқтисодий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари.....	142
Nigmatulleva G.N.	The role and significance of economic security in industrial enterprises.....	147
Махмудов М.Ф.	Қашқадарё вилояти рақобатбардошлигини саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида ошириш.....	152
Мирзаев С.А.	Саноат корхоналарини ривожлантиришда "тежамкор ишлаб чиқариш" тизимининг ўрни.....	158
Талипова Д.Н., Акрамова Н.А.	Зарубежный опыт функционирования информационно-консультационных служб в сельском хозяйстве Республики Узбекистан.....	162
<b>ТАЪЛИМ ОБРАЗОВАНИЕ</b>		
Рахимов Ф.Х., Усмонов Б.Ш.	Инсон капитали, илмий, илмий-педагогик кадрлар потенциали ва унинг инновацион ривожланишдаги ўрни.....	166
Дўстмуҳамедов О.С.	Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш – иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим омили сифатида.....	175
<b>СУГУРТА ИШИ СТРАХОВАЯ РАБОТА</b>		
Умиров А.Т.	Ўзбекистон сугурта бозорида рақобат муҳитининг жорий ҳолати ва унинг таҳлили.....	181
Қўлдошев Қ.М.	Ўзаро сугурта: моҳият, ҳолат, уни Ўзбекистонда оммавий-лаштириш зарурияти ҳамда ҳукуқий асослари.....	185
Абдуллаева Н.А.	Фонд бозорида акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO)да сугурта инструментларини кўллаш йўллари.....	189
<b>ИҚТІСОДИЁТДА АҲБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ИНФОРМАЦИОННЫЕ СИСТЕМЫ В ЭКОНОМИКЕ</b>		
Махкамов Б.	Перспективы развития полос частот для стандарта пятого поколения сотовой связи.....	195
<b>ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА ТРАНСПОРТ И ЛОГИСТИКА</b>		
Ахмедов Р.М.	Рекомендации по совершенствованию системы обучения специалистов для инфраструктуры дорожно-транспортного комплекса.....	198
Рахимов Х.Ш.	Темир йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.....	203
<b>РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ</b>		
Махмудов С.Х.	Тарихий-маданий туризмнинг шаклланиши ва унинг ривожланишидаги баъзи муаммолар.....	209
Очилова Х.Ф., Худойназарова С.Қ.	Образовательная модель подготовки квалифицированных кадров для отрасли туризма.....	212

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА "ТЕЖАМКОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ" ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

Мирзаев Саврарбек Авазбекович -  
Андижон машинасозлик институти  
Машинасозлик технологияси кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Иқтисодиётни модернизациялаш, корхоналарда бошқарув тизимини янги талабларга мослаштириш ушбу субъектларда юритилаётган иш сифатига бевосита боғлиқдир. Корхоналарда иш жойини ташкил этиш ҳамда иш самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий бошқарув принцип ва усуллар татбиқ қилиб борилади. Шундан келиб чиқиб, мазкур мақолада янги замонавий бошқарув усулини татбиқ қилиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Тежамкор ишлаб чиқариш, йўқотишлар, 5С тизими, аниқ вақтда.

**Аннотация:** Модернизация экономики, приспособливать систему управления на предприятиях новым требованиям неразрывно связано с качеством работы, проводимой на данных субъектах. На предприятиях будет внедряться принципы и методы, направленные на создание рабочих мест и повышение производительности труда. Исходя из этого в данной статье разработаны предложения и рекомендации по внедрению нового современного метода управления, а также его совершенствования.

**Ключевые слова:** Бережливого производства, потери, система 5С, точно во время.

**Abstract:** Modernization of the economy, adaptation of the management system at enterprises to new requirements is inextricably connected with the quality of work carried out on these subjects. The enterprises will introduce principles and methods aimed at creating jobs and increasing productivity. On this basis, this article has developed proposals and recommendations for the introduction of a new modern method of management, as well as its improvement.

**Keywords:** Lean production, wastes, 5S system, just in time.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариши ривожлантириш ҳамда бошқаришда замонавий чет эл бошқарув усулларини жорий этиш ҳозирги куннинг энг муҳим масаласи ҳисобланади. Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий мажлисга мурожаатномасида "Замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этиш - олдимизга қўйган вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир. Ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг кўллаш зарур"[1] деб таъкидлаб ўтган.

Дунёдаги глобаллашган маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиш тизимида уни сотишни ошириш, биринчи навбатда маҳсулот сифати ва иқтисодий самарадорлигини ошириша нуқсонларни камайтиришга кетадиган сарф-ҳаражатларни камайтириш муҳим ҳисобланади. Бу учун аввало ишлаб чиқариши мөдернизация қилиш, мухандис-техник ходимларни малакасини ошириш, ҳамда ишлаб чиқаришга илғор бошқариш тизимларини жорий этиш лозим бўлади.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да қўидаги муҳим бўлган иқтисодий бўғинларга тўхталиб ўтди. "Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда

акциядорларнинг ролини кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш" [2] керак деб алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар асосида ишлаб чиқариши кенгайтириш, самарали йўналишларини аниқлаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий ишлаб чиқарышнинг бозор муносабатлари билан узвийлигини таъминлашдан кўзланган асосий мақсад - ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлиши, бозор талабларига жавоб бериши ва бозор муносабатлари шароитида рақобатлаша олишидан иборатdir.

Ҳозирги кунда замонавий ишлаб чиқариши ташкил этишнинг асоси бўлиб ҳизмат қилаётган "Lean production" яъни "Тежамкор ишлаб чиқарish" бошқарув тизими Республикасида оширилган.

ликамизнинг айрим ишлаб чиқариш корхоналарида тадбиқ қилинилиб келинмоқда.

Тежамкор ишлаб чиқариш – муболағасиз, менежмент соҳасида японияликлардан ўрганадиган асосий нарса ҳисобланади. Бу усулни қайси тармоқда бўлмасин, ҳар бир раҳбар билиши шарт, чунки усулни асоси йўқотишлар билан курашишдан иборатdir. Сабаби унинг ташкилотида самарадорсиз бўлмаган жараён ёки харакатлар йўқлигига хеч ким кафл бўла олмайди [3. с. 7].

Тежамкор ишлаб чиқариш – бу иш жойини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш биноларини жойлаштириш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмиrlаш хизматлари, логистика, бухгалтерия ҳисоби, бошқа маъмурий ва ёрдамчи хизматларни, яъни бутун компания ёки бутун ташкилотни қамраб оладиган мураккаб ишлаб чиқариш тизими ва фалсафанинг бир тури ҳисобланади [4. с. 10].

Lean инглизча сўз бўлиб “ихчам” деган маънони англатади. Lean мақсади кўп маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, аксинча кам маҳсулот яъни керакли маҳсулот ишлаб чиқариш. Бунда озгина маҳсулот яъни истеъмолчи талабидан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқармаслик.

Тежамкор ишлаб чиқариш маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошқаришда, операцияда, таъминловчи ва мижозларни ўртасидаги ўзаро муносабатларида, истеъмолчи талаби билан маҳсулотни аниқ вақтда тайёрлашда ва кам микдорда нуқсонли маҳсулотларни тўғрлашда, оммавий ишлаб чиқариш технологиясида тайёрланадиган корхона тизими-дир. Бу билан меҳнат сарфи, майдон, маблағ ва вақтни камайтиради. Lean Production термини Массачусетс технология институти илмий ходими Джон Крафчик томонидан киристилган [5. с. 22].

Тежамкор ишлаб чиқариш меҳнат сарфини камайтиришга, янги маҳсулотларга ишлов бериш муддатини қисқартиришга, маҳсулот тайёрлаш муддатини қисқартиришга, ишлаб чиқариш ва сақлайдиган майдонни қисқартиришга, буюртмачига маҳсулотни етказиб беришни кафолатлашга ҳамда энг арzon нарҳда юқори сифатга ёрдам беради.

Уоррен Беннис шундай деган, “Етакчилар нимани ўргатишса барчасини ўрганишни истайди, барчаси ҳақида билишни истайди, улар қунт билан таваккалчилек қиласди, тажрибалар ўтказади, янгиликга интилади. Улар мувваффақиятсизликга учрашдан қўрқмайди, лекин хатоларини тан олишади, чунки

хатолардан сабоқ олади” [6. с. 11]. Ҳар қандай ишлаб чиқариш мукаммал бўлмасин камчилик ва хатоликлар учраб туради, ушбу камчилик келгисида кузатилиши мумкин бўлган муаммоларни яъни хатоликларни бартараф этишда керак бўлади. Ишлаб чиқаришда хатоликлар бўлмаса бу кейинчалик катта муаммоларга олиб келади.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида кўзга кўринмас айрим камчиликлар ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Бу ҳолат ишлаб жараёнида йўқотишларни келтириб чиқариб ташкилот фойдасига таъсирини ўтказади. Йўқотишларни олдини олиш учун корхонани ишчи ходимлари бирга шаффовлик билан ишлаш керак, шунда иш жараёнида хеч қандай йўқотишлар келиб чиқмайди.

Йўқотишлар – истеъмолчи ҳаққини тўламайдиган барча фаолиятдир.

Бу йўқотишларга фақат ишлаб чиқариш линияси эмас, балки маҳсулотни қайта ишлашда, буюртма қабул қилишда ва иш юритишида бўладиган холатлар киради. Йўқотишларни 8 турига куйидагилар киради (1-расм).

1. *Кўп ишлаб чиқариш (ортиқча ишлаб чиқариш)* - буюртма қабул қилинмасдан ишлаб чиқарилган буюм, захирани йўқотишга ҳамда ортиқча кучни сарф қилишга, омборга жойлаштиришга ва транспортда ташишда ортиқча чиқим қилиш йўқотишга сабаб бўлади.

2. *Ортиқча юк ташиш ёки жойини ўзгартириш* - юк ташишда ҳамда материал, детал ва тайёр маҳсулотни омбордан-омборга, катта масофага тугалланмаган ишлаб чиқаришни фойдасиз жойини ўзгартириш сабаб бўлади.


3. *Кутиш* - Автоматлаштирилган жиҳозларга қараб турадиган ишчилар, навбатдаги операцияни бажаришни тик турни кутиш, асбоблар, деталлар ва бошқалар ёки шунчаки оддий жиҳозни қайта ишлаб чиқариш тезлиги йўқлигидан ишсиз ўтириш.

4. *Керагидан ортиқча захиралар* – керагидан ортиқча ҳом ашё, буюртмани ишлаб чиқариш вақтида тайёр маҳсулотни кўпайтириш, тайёр маҳсулотга зиён етказади, сақлаш ва юк ташишга сарфлаш, сусткашлик ва пасайиш ёки тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулотни аста секин эскиришига сабаб бўлади. Бундан ташқари, ортиқча захира ўнглаб ишлаб чиқариш, етказиб беришда тўхтаб қолиш, нуқсонлар, қайта созлаш вақти ва оддий

жіхозларда шундай муаммони топишига ҳа-  
лақит беради.

5. **Нұқсонлар** - Ишлаб чиқаришда нұқ-  
сонли деталлар ва нұқсонни түғрлаш. Туза-

тиш, қайта ишлаш, чиқиндилар, маҳсулотни  
алмаштириш ва уни текшириш вақт ва кучни  
йүқотишига сабаб бўлади.



**1-расм. Йүқотишларни 8 тури**

**Манба:** Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

6. **Ортиқча ишлов бериш** - Детални қай-  
та ишлашда кераксиз операция. Паст сифатли  
асбобдан самарасиз ишлов бериш ёки ўйлаб  
кўрилмаган конструктив қарор ва нұқсонни  
келтириб чиқарадиган ортиқча харакатни  
жалб қиласди.

7. **Ортиқча харакатлар** - Иш жараёни-  
дан ишчилар қилиши керак бўладиган ҳамма  
ортиқча харакатлар: нима керак бўлса шуни  
топиш, керакли деталлар ва асбобларни чў-  
зилиб олиш ёки уларни жойлаштириш билан  
шуғулланишдир. Шу жойига йўлни алоқаси  
бор.

8. **Ходимларнинг амалга оширилмаган  
ижодий салоҳияти** - тоға, малака, ходимларга  
муносабатига алоқадор бўлмаган тажриба  
олиш ва малакасини ошириш имконияти,  
сизга хеч қачон кулоқ солмаган, бундан таш-  
қари ходимларга роботлар сингари муноса-  
бат яъни механик вазифаларни бажаришга

лаёқатли деб ҳисоблаш, меҳнат шароитла-  
рига қаноат қилмаслик, ишни бажариб уйга  
кетишига интилиш, меҳнатни рағбатланти-  
ришни кучсизлиги, қилган харакатларига  
нисбатан мукофотлаш тўғри келмаслик вақт-  
ни йўқотишидир[7. с. 63].

Тежамкор ишлаб чиқаришда ўзига хос  
замонавий усуллари мавжуд бўлиб, ушбу  
усуллар ишлаб чиқаришни янада такомилла-  
штиришга ёрдам беради. Мисол учун **5S ти-  
зими** кўришимиз мумкин.

**5S тизими бу** – дунёдаги кўплаб компа-  
ниялар фойдаланадиган оддий ва универсал  
ёндашув ҳисобланади. 5S тизими ишлаб чи-  
қариш корхоналарини такомиллаштиришга  
ҳисса қўшади, масалан, ускуналарни қайта  
созлаш, “аниқ вақтда” (JIT) захирани бошқа-  
риш, жиҳозларга хизмат кўрсатиш ҳамда си-  
фатга асосланган умумий бошқарув ҳисобла-  
нади (1-жадвал).

## 1-жадвал

№ босқич	Японча	Инглизча	Ўзбекча
1	Seiri	Sorting	Тартибга солиш
2	Seiton	Set in Order	Тартибни кузатиш
3	Seisō	Shine	Тозаликни сақлаш
4	Seiketsu	Standardizing	Бир меъёрга солиш
5	Shitsuke	Sustaining the discipline	Такомиллаштириш

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Корхонада иш жойини ташкил қилиш босқичи қуидаги жадвалда кўрсатиб ўтилган.

*1S Тартибга солиш (сараплаш, ажратиш)*

- барча нарсаларни керакли ва кераксизга ажратиш, кераксизини халал бермаслиги учун уни жойдан олиб ташлаш, асосий эътиборни омборхона, инструмент ва жиҳозларга қаратиш, яроқсиз инструментни қизил белги билан белгилаш, нарсани керакли эканига иккилансангиз ундан ҳоли бўлиш киради.

*2S Тартибни кузатиш (самарали жойлаштириш)* - барча нарсалар учун жой, барча нарсалар ўз жойида бўлишини таъминлаш, жиҳоз, инструмент, ўлчаш восита, бутловчи қисм шунингдек, материаллар жойи аниқлаш, жойлаштириш ва барча керакли нарсалар учун жой ажратиш ҳамда у жойни белгилаб қўйиш киради.


*3S Тозаликни сақлаш (тозалаш)* - тозаликни доим сақлаш, тозалаш билан текшириш, қийин етишадиган, кўринмайдиган жойларни ҳам тозалаш, тозалик бу сифат, хавфсизлик, интизом ва саломатлик эканлигига эътибор бериш, кунлик режали тозалашларни бажариш, иш жойингиз ёки дам олиш, кийиниш, овқатланиш жойингизни, шунингдек офис хонасини доимо озода тутиш киради.

*4S Бир меъёрга солиш (стандартлаштириш)* - вазифани аниқлаш, жавобгарни

аниқлаш, мақсадларни қўйиш, даврий текширувлар ўтказиш, ишни стандартлаштириш, визуал жойлаш, ўқитиш ва бажариш учун қоидалар ишлаб чиқиш киради.

*5S Такомиллаштириш* - саралаш, самарали жойлаштириш, тозалаш ва стандартлаштириш принципларини амалда жорий этиш ва даврий текширишлар асосида чоралар кўриб такомиллаштириш, иш жойини ташкил этишини сифатли ва кам ҳаражатли такомиллаштиришлар орқали амалга ошириш, эришилган натижани сақлаш, такомиллаштириш, айборни эсдан чиқариш киради [8. с. 12].

Ушбу тизимнинг афзаллик томони шундаки, ишлаб чиқариш корхоналарида юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликларни бартараф этиб, ишни самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бугунги кунда "Уз СэМюнг Ко" кўшма корхонаси 5S тизимини ишлаб чиқаришда кўллаб келади. Ушбу корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 270 минг дона енгил автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқаради. Бу корхона охирги уч йилда 2016 йилда 95 млрд. 568 млн. сўмлик, 82 минг 89 дона маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. 2017 йилда 164 млрд. 284 млн. сўмлик, 127 минг 649 дона маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. 2018 йилда 420 млрд. 712 млн. сўмлик, 205 минг 247 дона маҳсулотлар ишлаб чиқарилган (1-диаграмма).



**1-диаграмма. "Уз-СэМюнгКо" кўшма корхонасининг охириги уч йиллик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (млрд.сўм.)**

Манба: "Уз СэМюнг Ко" КК паспорт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Жами уч йилда 680 млрд. 564 млн. сўмлик, 414 минг 985 дона маҳсулот ишлаб чиқарилган. Корхона томонидан чет мамлакатларга 2016 йилда 314 минг 723 АҚШ доллар, 2017 йилда 547 минг 734 АҚШ доллар, 2018 йилда 383 минг 377 АҚШ доллар жами уч йилда 1 миллион 246 АҚШ долларлик экспорт ишлари амалга оширилган [9].

Бундан кўриниб турибдики, тежамкор ишлаб чиқариш методологияси иш самародорлигини оширади, кутилиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олади ҳамда у корхонани ривожлантиришнинг мақсадлари ва кўрсаткичларини юқорига кўтаради.

"Тежамкор ишлаб чиқариш"ни ишлаб чиқариш корхонасига тақдим қилишда ўзига хос ҳатоликлар ҳам мавжуд. Мисол учун, Lean тизимини тақдим қилишда раҳбариятни ўзи

бу тизимни яхши тушунмаслиги, "Асоссиз" жорий қилишни бошлаш, иш жойини ўзгартиради лекин одат тусини ўзгартираслик, ҳеч қачон жавобгарлик йўқлиги ҳамда ёрдамсиз эплашни бошлаш ишлаб чиқаришга тақдим қилишда ҳатоликларни келтириб чиқади.

Юқоридаги тахлиллар натижасида, ушбу тизимни ишлаб чиқариш корхоналарига тақдим қилиб иш самародорлигини ошириш, истеъмолчиға маҳсулотни ўз вақтида етказиб бериш, иш жараёнида йўқотишларни олдини олиш, захира сарфини камайтириш, кузатилиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш қичқача қилиб айтган керакли маҳсулотни керакли вақтда ишлаб чиқариш ҳамда баҳтсиз ходисаларни камайтиришга эришиш мумкин.

### Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947- Фармони.
3. Д. Джонс, Д. П. Вумек. «Бережливое производство: Как избавиться от потерь и добиться процветания вашей компании» Перевод с английского. - М. 2018.
4. Майкл. Вайдер. Инструменты бережливого производства. Мини-руководства по внедрению методик бережливого производства. Перевод с английского. М. 2008.
5. Ч.Марчвински, Д.Шука. Иллюстрированный глоссарий по бережливому производству. - М. 2005.
6. Д. Лайкер, Й. Трахилис. «Лидерство на всех уровнях бережливого производства. Практическое руководство». Перевод с английского. - М. 2018.
7. Джейфри Лайкер. ДаоТоуто: 14 принципов менеджмента ведущей компании мира. Перевод с английского. - М. 2005.
8. 5S для рабочих. Как улучшить свое рабочее место. Переложение книги Хироюки Хирано «5 Pillars of the Visual Workplace: The Sourcebook for 5S Implementation», выполненное специалистами издательства Productivity Press. Перевод с английского. М. 2007.
9. "Уз-СЭМЮнг Ко" қўшма корхонасининг паспорти. 01.01.2019 йил. (<http://uzsmg.uz/uz/korhona-pasporti/>)

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОНСУЛЬТАЦИОННЫХ СЛУЖБ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Талипова Дилфузда Набиевна -  
Ташкентский институт инженеров ирригации и  
механизации сельского хозяйства, старший преподователь  
кафедры «Бухгалтерский учёт и аудит»**  
**Акрамова Наргиза Ахраповна -  
Ташкентский институт инженеров ирригации и  
механизации сельского хозяйства, ассистент кафедры  
«Бухгалтерский учёт и аудит»**

**Аннотация.** Мақолада қишлоқ ҳўжалигидаги ахборот ва маслаҳат ҳизматларининг роли, шунингдек ҳорижий мамлакатларда ахборот ва маслаҳат ҳизматларини шакллантириш ва ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишига турли ёндашувлар муҳокама қилинади. Ушбу муаммони ҳал қилишининг самарали мханизми бўлган ахборот ва маслаҳат ҳизматларидан фойдаланишининг ҳорижий тажибаси тажхил қилинади.

**Таянч сўзлар:** қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилорини ўқитиш, ахборот ва маслаҳат ҳизматлари, инновациялар, қишлоқ ҳўжалиги бизнеси.